



### ТЕЖАЛГАНИ НАҚД БОЙЛИК

Мустақиллик йилларида юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгача тус олди. Вилоятларда, шаҳар ва туманларда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида амалга оширилган хайрли ишлар қатори газ билан таъминлаш, узок қишлоқларни газлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Бундан ташқари вилоят мисолида қўриш мумкин. 1991 йилда вилоятда 25 фоиз хонадон газлашган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 70 фоиздан ошиб кетди. Аҳоли соғи ҳам ортиб бориб, янги-янги оилалар таркиб топаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ижобий кўрсаткич экани ойдинлашади. Боз устига Андижон газ таъминоти бўйича анча мураккаб ҳудудда жойлашганлигини ёдда тутиш лозим. Чунки, вилоят газ қувурларининг энг охириги нуқтада. Шунинг оқибатида баъзи туманларда газ таъминоти кўнгидагидек бўлмайди. Одамларнинг газдан ноқонуний фойдаланиши ҳамда исрофгарчиликка йўл қўйиши эса таъминотни издан чиқаради. Бу кишини ташвишга солади.

Аслида аҳолига етказиб берилаётган табиий газ нархи жуда арзон, - дейди биз билан суҳбатда «Андижон газ» худудий газ таъминот корхонаси директори ўринбосари Абдураҳмон Мамажонов. - Шундай бўлишига қарамай «учар»лар жуда кўп учрайди. Бой заминимиз бераётган бу бойликни ўғирласак, ўзимизга ўзимиз хиёнат қилган бўламизми? Кўпчилик газни битмас-туганмас бойлик, деб тасаввур қилади чоғи. Шунинг учун бўлса керак, баъзилар бир дона гургут чўпини қизғаниб, газни доимо ёниқ қолдиради. Агар бундан вилоят микёсда олинса, қанчадан-қанча қимматбахо ёниқ исроф бўлаётгани маълум бўлади. Яна бир гап. Таъминотнинг бузилишига, яхши бўлмаслигига дебиторлик қарзлари юқорилиги ҳам катта таъсир кўрсатаётган. Албатта, ҳозир бекорга мушук офтобга чиқадиган замон эмас. Европа мамлакатларида барча хизматлар тўлов аввалдан амалга оширилгач, йўлга қўйилади. Газ ҳисоблагичга жетон ташласангиз ишлайди, пулингиз тугаши билан ўчади. Бошқа хизматлар ҳам худди шу қаби. Бизда тўлов олдиндан талаб қилинаётгани йўқ. Ой якунландими, хизматни тўлаб

қўйиш сўралапти, холос. Газчиларнинг айтишича, тўловни ўз вақтида амалга оширадиганлар, энг аввало, нафақахўрлар, ўрта-хал оилалар экан. Кам таъминланган оилалар ўз вақтида бўлмаса-да газ ҳақини тўлаб боради. Лекин ўзига тўқ оилалар, катта лавозимларда ишлайдиган одамлар уйда ёниб турган «зангори олов» учун пул тўлаши «эсларидан чиқариб қўядилар» ёки тўлашдан бош тортишади. Кам таъминланган оилаларнинг қарзи 10-15 минг сўмини ташкил этса, тўлашни истамайдиганларники 50-60 минг сўмдан 100-150 минг сўмгача экани кишини ташвишга солади.


Абдураҳмон Мамажоновнинг гапларига кўра, Андижон шаҳрида йиллаб пул тўламайдиганлар кўплаб топилди. Уларнинг



қарзи 180-190 минг сўмгача. Ва айтиш мумкинки, газ пастраса, энг биринчи қўнғироқ қилиб, дағдаға қиладиганлар ҳам шулар. Вилоятдаги дебиторлик қарзларининг катта қисмини шундай қарадорлар ташкил этади. Айни пайтда йирик қарздорларга қарши курашиш мақсадида жиддий ишлар бошланган. Улар газ тармоғидан узиб қўйилмоқда. Натижада вилоятда фойдаланилган табиий газ учун тўлов бироз ўнганляпти.

Мамлакатимизда 2005 йилгача табиий газдан фойдаланувчиларни газ ҳисоблагич билан таъминлаш режаси ишлаб чиқилган. Шунга кўра, ўтган йиллар давомида вилоятда кенг қўламли ишлар қилинди. Янги газлаштирилаётган худудлар ва хонадонлар газ ҳисоблагич ўрнатилган кейингина тармоққа уланяпти. Бундан ташқари, ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада ҳодимлар газ ҳисоблагичнинг афзаллиги хусусида тушунтириш

ишлари олиб бориляпти. Пайвандчилар эса газ ҳисоблагични ўрнатиб беришяпти ва шу ернинг ўзида тўлов шакли ўзгарганлиги ҳақидаги ҳужжат хонадон соҳибларига топширилмоқда. Кам таъминланган оилаларга эса қулай тармада, кредит асосида ўрнатилляпти. Вилоятда 2003 йил давомида 94 минг 800 та газ ҳисоблагич ўрнатилиши мўлжалланган бўлиб, режа юз фоизга бажарилди. Эндиликда одамларнинг ўзи газ ҳисоблагичнинг қулайлигини тушуниб қолди. Ўрнатмаган хонадонлар газга ҳисоблагич орқали пул тўлаётган қўшини ёки қариндошининг қанча газ ёқдәтганини, тўлов анча арзонлигини кўриб, газчиларга ўзлари мурожаат қилишяпти. Жорий йил охиригача аҳолини газ ҳисоблагич билан тўла таъминлаш



мўлжалланяпти. Айтиш мумкинки, бунинг натижасида вилоятда газ таъминоти ҳам бирмунча изга тушади. Энг асосийси, исрофгарчиликка чек қўйилади.

### ТАЪМИНОТ БАРҚАРОР БЎЛАДИ

Туманларда ҳам таъминотни яхшилаш, газ ҳисоблагич ўрнатиш бўйича бошқаларга намуна қилса арзирли ишлар қилинляпти. Хусусан, Хўжаободда сўнгги 2-3 йил ичида қилинган ишлар тахсинга лойиқ. Икки йил аввал туман газ корхонаси идорасига келган одам ҳатто раҳбар ўтириши учун жой йўқлигига гувоҳ бўларди. 2002 йил фойдаланилган табиий газ учун тўлов 14-15 фоизни, газ таъминоти эса 20-30 фоизнигача ташкил этарди. Уша йилнинг октябр ойда Жалолддин Собиров корхонага раҳбар этиб тайинланди. У

### Излаган имкон топади

### ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ ЧЎНТАККА ФОЙДА

Балиқчи вилоятнинг Наманган билан чегарадош тумани бўлиб, Ўрмонбек, Балиқчи, Чинобод ва Сиза тақсимлаш шохобчаларидан газ олади. Тумандаги газлашган 15 минг 208 та хонадонга 431 та газ тақсимлаш пунктлари хизмат кўрсатади. Ерларнинг захи қўчилиги боис ер ости қувурлари емирилиши анча тез. Шунинг учун 2000-2003 йиллар давомида 17 километр газ қувурлари ер устига чиқарилиди. Баъзи қисмлари таъмирланди. Ўтган йили газ тақсимлаш пунктларида таъмирлаш ишлари бажарилмаган бўлса-да, ҳолати ўрганилиб, техник хизмат кўрсатилди.

Олдимизда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп, - дейди газ идораси директори Рустам Мирзатов. - Газ таъминотини яхшилашимиз, газлаштиришни кучайтиришимиз керак. Газ ҳисоблагич ўрнатиш ишларини йил охиригача якунлашимиз лозим. Йил бошигача ўрнатилган 7 минг 342 та газ ҳисоблагичнинг 5 минг 130 таси кредит ҳисобига қўйиб берилди. Уларнинг тўловини ундириш ҳам мумкин масала ҳисобланади.

2002 йил декабр ойда газ ҳисоблагич ўрнатганди. Икки кишини ўтказдик. Ҳаммаси бўлиб 3 минг 550 куб метр газ ёқиб-миз.

Хусанбой аканинг гапини газ ҳисоблагич ўрнатган барча хонадон соҳибларидан эшитиш мумкин. Жалолддин аканинг ўзи минглаб одамлар билан бевосита суҳбатлашди. Йиғилишлар уюштириб, газ ҳисоблагич ўрнатиш, тўловлар вақтида амалга оширилсагина туманда газ таъминоти ўнганлиши мумкинлигини тушунтирди. Хар кун дебиторлик қарзларини ундириш бўйича маҳалларда анчагина иш қилинди. Натижа ҳам ёмон бўлгани йўқ.

Мен газ идорасида раҳбар эканман, қўшимча битта хонадонда газ ёниб қолса ҳам хурсанд бўламан, - дейди Жалолддин Собиров. - Одамлар газчиларни яхши ном билан тилга олса, шу менинг ютуғим. Бу ишимизга унум, ривож беради. Улкан режаларни амалга оширишга ундайди.

2003 йил якуни бўйича тумандаги 12 минг 829 та газлашган хонадоннинг 7 минг 604 таси, яъни 59,3 фоиз газ ҳисоблагич билан таъминланди. Жорий йил охиригача газ ҳисоблагич тўлиқ ўрнатилиши мўлжалланяпти. Бунинг натижасида таъминот барқарор бўлади, дам олиш маскани, ётоқхона ва касалхоналарга ўрнатилди.

Ўтган йили корхона бир дона «400 QVD 440» русумдаги сув насоси ишлаб чиқарилишига тўлашади. Насос корпусининг асосий қисми, илчи гилдираклари чўяндан, вал, фтулка ва бошқа қисмлари эса пўлатдан қўйилляпти. Бу эа насоснинг механик қисмларидан узок мудат фойдаланиш имконини беради.



Корхона жамоаси «Биотрон» турдаги оқова сувларни тозалаш иншоотларини ишлаб чиқаришга киришди, - дейди қўша корхона раҳбари Маҳмуд Адашев. - Унинг афзаллиги шундаки, марказий канализация ўтмаган худудларда, хусусан, коллеж, мактаб, дам олиш маскани, ётоқхона ва касалхоналарга ўрнатилди.

Жамоа жорий йилда 300 дона мушук ҳўжалигига ишлатилган кичик сув насослари ва етти комплек тозалаш иншоотини ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Суратларда: чилангарлар Абдухалил Олимов ва Ишход Салимгариев иш пайтида; қўша корхонанинг қўриниши. Муқимжон КОДИРОВ (ўЗА) олган суратлар

### Бозор талаби қатъий

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

### Ички имкониятлар ҳисобига кучайтирилди

Каттакўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасида икки минг нафарга яқин киши ишлайди. Бундай катта жамоанинг ўзига хос таъшишлари ҳам бор. Айниқса, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ ма-салалар ечими жиддий изланиши тақозо этади. Чунки шифохоналарнинг молиявий имкониятлари маълум маънода чегараланган. Шунга қарамай маъмурият билан ҳамкорликда имконият топаляпти. Бирлашма касаба уюшма қўмитасининг оммавий ишлар, ижтимоий сўгурта, маданий ишлар, меҳнат муҳофазаси комиссиялари фаолияти энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Ходимларни соғломлаштиришда Каттакўрғон сув омбори ҳавзасидаги дам олиш масканлари имкониятларидан кенг фойдаланиляпти. Бундан ташқари бошқа турдаги дам олиш тадбирларини уюштирилмоқда. Айниқса, умум-халқ байрамлари муносабати билан моддий ёрдам бериш кенг қўлланилади.

Кейинги йилларда меҳнат муҳофазасига эътибор кучайди. Зарарли шaroитда ишлаётган ходимларни махсус озик-овқат ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш талаб даражасига етказилди. Иш жойлари аттестациядан ўтказилиб, камчиликлар бартараф этилди. Бинолар таъмирдан чиқарилиб, шарoит яхшиланди.

Жамоа аъзоларини соғломлаштиришда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ўтган йили спортнинг оммавий етти тури бўйича бир қанча спартакиадалар ўтказилди. Бу тадбирлар иш унумига ҳам ижобий таъсир кўрсатапти.

Умуман бирлашмада ходимларга дахлдор ҳеч бир масала эътибордан четда қолмайди. 2003 йилда касаба уюшма қўмитаси мажлисларида муҳим йўналишдаги 17 та масала муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш натижасида анча ижобий ўзгаришларга эришилди. Шуларга кўра бу йилдан бошлаб ижтимоий ҳимоя мақсадларига бюджетдан ташқари жағмарга ҳисобидан кўпроқ маблағ ажратиш назарда тутилди.

Б.ХўЖАЕВ, Каттакўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

### Қорақалпоқ томонларда

### ОРОЛЬҲИДА ТЕЛЕРАДИО УЗАТИШ ТАРМОҒИ

Оролбўйи телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга қаратилган хорижий инвестициялар изчиллик билан амалга оширилляпти. Хусусан, республикамизнинг шимолий нуқтада жойлашган радиореле станциясини қайта қўришга киришилди. Япониянинг NEC corporation фирмаси ва Ўзбекистоннинг UZIMPEXALORA корхонаси билан ҳамкорликда телекоммуникация тармоқларини қайта қўриш дастури амалга оширилляпти.

Нукусдаги телерадио узатиш тармоқлари маркази ишчилари, инженер мутахассислари томонидан Кўнғирот шаҳридан Мўйинокча бўлган масофада ишлаш талаби оптик кабеллар ётқизилди. Туртта тизимдан иборат замонавий кабеллар бир йўла 120 та каналдан телерадио тўлқинларни қабул қилиб, узатиш қувватига эга.

Телерадио узатиш тармоғи бошлиғи К.Ўтегеновнинг таъкидлашича, станциянинг янги технологиялар билан таъминлиши теле-эшитиришлар ва телефон алоқасини сифатини яхшилаш имконини беради.

Тармоқда чорак асрдан бери ишлаб келаётган Колектив Утегенов радиотелеэшитиришлар маркази бош мундаси Илбў Жумабеков ва мутахассис Еркин Калеевлар Япония радио-телекоммуникациялари тармоқларида иш ўрганиб, қайта тайёргарликдан ўтиб келдилар.

Аҳолига хизмат кўрсатиши яхшилаш мақсадида Шуманай туманида Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг лойиҳаси асосида яна бир хорижий инвестиция жорий этилди. Марказий автомат телефон станцияси «Салин-ФС-Ўзбекистон» қўша корхонаси мутахассислари ёрдамида 26,4 километрли оптик талаби ишлаш кабеллар билан ускуналанди. 15 каналли янги тизим Нукус ва Шуманай ўртасида радио-телеэшитиришларини нуқсонсиз узатиш ва халқаро телефон алоқаларини йўлга қўйиш анча яхшиланди.

«Қорақалпоқ телеком» корхонасидан маълум қилишларича, хориж мутахассислари билан ҳамкорликда Нукус, Тахтакўпри туманлари ва Оролбўйини бошқа минтақаларида радио-телеузатиш тармоқларини янгилаш дастури амалга оширилляпти.

И.ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири


### АЖОЙИБ ҚУРИЛМА

Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиалида Буюк Британиянинг «FREEDOMLAND» компанияси Марказий Осиё минтақаси бўйича ваколатхонаси билан ҳамкорликда телевизор орқали Интернетга боғланиш имконини берувчи «NetBox» қурилмасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан бохабарлик кишилар учун муҳим, - дейди «FREEDOMLAND» компанияси бош директори Муҳаммад Харон Чоудри ўЗА мухбирига. - Лекин ҳаммининг ҳам шахсий компьютерни йўқлиги боис Интернетга боғланиши қийин. «Netbox» аппарати эса бевосита телевизор орқали бу тизимга киришни таъминлайди.

Ускунадан мактаб ва олий ўқув юр்தларида дарс ўтишда, кинотеатрларда, меҳмонхоналарда Интернет орқали турли фильмлар томоша қилишда фойдаланиш мумкин. Юртимизда бу махсулотга бўлган талабни ўрганиб чиққан ушбу компания раҳбарияти Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон бозорига «NetBox»ни олиб киришга қарор қилди.

«NetBox» Интернетдаги маълумотларни видеомагнитофонга ва принтер орқали қозоғга кўчириб бера олади, факс вазифасини ҳам ўтади. Мазкур қурилма 2002 йилда яратилган бўлиб, Германия, Франция, Испания ва Буюк Британия каби давлатларда кенг ишлатилмоқда.



«МАДАД» ИШ БОШЛАДИ

Пешку туманидаги «Варахша» қишлоқ фўқаролар йиғини худудда оилани ижтимоий ҳимоя қилиш «Мадад» ўқув-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. Унда тикувчилик, зардўзлик, нон ва макарон махсулотлари ишлаб чиқариш цехлари мавжуд.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маркази замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун ўн миллион сўм ажратди. Шу тариқа элликдан зиёд қишлоқ хотин-қизи иш билан таъминланди.

Раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган кишилар қонунларни нафақат яхши билишлари, балки унга қатъий амал қилишлари, кенг омма ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур. Лекин афвуски, орамизда қонунлар мохиятини тўла тушуниб етмаганлик оқибатда уларни нотўғри талқин қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Мисолларга мурожаат атайлик. Вилоят Адлия бошқармасига «Орзу-А» фермер ҳўжалиги раҳбари Т.Усмонов ариза билан мурожаат этиб, Бекобод тумани ҳокимлиги томонидан у фойдаланиб келаётган ер майдонлари бир томонлама қарор қабул қилиш йўли билан олиб қўйилганлиги билдирилди.

Аризани ўрганиб чиқиш давомида ҳақиқатан ҳам «Авангард», «Галаба», «Ўзбекистон», Бобур ва Улуғбек номида ширкат ҳўжаликлари худудда ташкил этилган 10 та фермер ҳўжалиқларининг ижара шартномаларини бекор қилиш ва улар фойдаланаётган ер майдонларини аввалги эгаларига қайтариб бериш ҳақида туман ҳокимлигининг 2003 йил 29 январдаги 50-сонли қарори қабул қилинганлиги аниқланди. Уша пайтда кўпгина фермер ҳўжаликлари ер майдонларига қишлоқ ҳўжалиги экинлари экиб, тайёрлов идоралари билан контрактация шартномаларини ҳам имзолаб бўлишганди. «Орзу-А» фермер ҳўжалиги эса 4 гектар ер майдонига куз ойларига бугдой экиб, парвартиш қилиб келаётган ва «Бекобод» ҳисадорлик жамияти билан контрактация

юзасидан вилоят Адлия бошқармаси томонидан ҳоким номига бир неча бор тақдимнома ва оғохлантиришлар киритилган бўлишига қарамай, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя

### ҲАЙРАТОМУЗ ТАЛҚИН

Бундан ташқари, туманда фермер ҳўжалиқларини танловдан ўтказиш, уларга кўмаклашиш, фаолиятини таҳлил қилиш, ер майдонларини ижарага бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг ҳулосаси берилганлигига бир ой бўлгандан кейин келгуси йил ҳосили учун режалар белгиланиб, далада парвартиш ишлари кетаётган бир пайтда туман ҳокимлигининг мазкур қарори қабул қилинган эди.

Уни қабул қилишда туман ҳокимлиги «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига янгидан киритилган 7-қисмдаги «Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувига эришмаганлари тақдирда эса суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин», деган қоидага риоя этилмаган.

Туман ҳокимлиги бундан илгари ҳам қатор фермер ҳўжалиқларининг қонуний

### Қонун барча учун баробар

шарт бўлган бундай низоларни ҳал қилиш учун вилоят ҳўжалик судига мурожаат этиш шартмиди? Вилоят Адлия бошқармаси томонидан судга йўлланган аризаннинг нухсаси Бекобод туман ҳокими номига ҳам жунатилди. Орадан кўп ўтмай янги сайланган туман ҳокими М.Шукуралиев имзоси билан Адлия бошқармасига хат келди. Унда жумладан шундай дейилади:

1.Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг 2003 йил 18 мартдаги 66/1713-сонли тақдимномасига асосан туман ҳокимининг 2003 йил 29 январдаги 50-сонли қарори бекор қилинсин.

2.Ушбу қарорнинг қабул қилинишига зарурий ҳужжатларни етарли даражада тайёрламаганликлари ва туман комиссиясига нотўғри талқин берганликлари учун туман ер ресурслари қизмати бошлиғи Ж.Яхшибоев ва деҳқон-фермер ҳўжалиқлари уюшмаси туман вакилиги директори Ш.Тошматовга ҳайфос эълон қилинсин.

Вилоят ҳўжалик суди томонларнинг узаро келишув билан низо ҳал этилганлиги муносабати билан ишни тўхтатди.

Қувват ШЕРБОВЕВ, Тошкент вилоят Адлия

# ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ЙЎЛИДА

Аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш мақсадида 1997 йил 29 августда Олий Мажлис қарори билан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" қабул қилинган эди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ва Ёшлар ишлари қўмитасининг қўшма йиғилишида мазкур дастурнинг ўрта махсус, касба-хунар таълими тизимидаги ижросига бағишланган масала муҳокама этилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида кечаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимиз, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий онги, маданияти даражасига боғлиқ. Бу масала жамиятнинг келажақдаги ҳуқуқий истиқболларини ҳам белгилайди. Йиғилишда мазкур дастурдан келиб чиқиб, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касба-хунар таълими маркази томонидан бир қатор ташкилий ҳамда амалий чора-тадбирлар белгиланганлиги, бу борада муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Республикадаги мавжуд ўрта махсус, касба-хунар таълими муассасаларида тахсил олаётган талабаларга ҳуқуқий билим ва тарбия беришни такомиллаштиришни назарда тутувчи ўқув дастурлари, меъёрий ва услубий мезонлар ишлаб чиқилган. Коллеж ва академик лицейларда "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" каби ўқув курслари ўтилмоқда. Шу билан бирга ҳуқуқий тарбиянинг ташкилий шакли ва воситалари жорий этилган.

Миллий дастурни бажаришда жамоат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш идоралари билан давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқотлар, танловлар ўтказилмоқда. Масалан, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ўтказилаётган "Конституция - бахтимиз қомуси", "Сиз қонунни биласизми?" сингари тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий савиясини кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ, тизимда бу борада қилинаётган ишлар қўлингидек самара бермаётганлиги, машғулотларни ўтишда ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги, педагог кадрлар етишмаслиги, ўқув дарсликлари ҳам мукаммал эмаслиги айтилди. Масалан, айти пайтда ҳуқуқий машғулотларни ўтаётган ўқитувчилардан 634 нафари тарихчи, 24 нафари эса филологлардир. Марказ ва унинг худудий бошқармалари томонидан ўқув муассасаларида бу борада олиб борилаётган ишларни мамлакатимиз миқёсида ҳуқуқий соҳада юргизилаётган ислохотлар, қонунчиликдаги сўнгги янгиликлар билан янада кўчатириши, тарбия ва таълимнинг янги шакллари ва воситаларини жорий этиш, ҳуқуқий билим ва маданиятни мукаммал эгаллаган талабаларни рағбатлантиришнинг аниқ усулларини ишлаб чиқиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари 28-29 март кунлари Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро вилоятида бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатларини қоралдилар. Бундай ёвуз кучлар мустақиллигимиз ва халқимиз бирлигига, миллий юксалишимизга раҳна солмаслиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қўмиталар ўз тавсияларини берди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди. "Туркестон-пресс"



## САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

**Тошкентдаги «2-автокомбинат» очик акциядорлик жамияти йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида йиғирмата «Матиз» автомобиллини лизинг асосида сотиб олди.**

Ўтган йили «Ўзбек Лизинг Интернейшнл» қўшма корхонасидан лизинг асосида йиғирмата «Узотайл» микроавтобуси ва ўн саккизта «Матиз» харид қилган эдик, - дейди «2-автокомбинат» очик акциядорлик жамияти бошқарув раиси Обид Қўчқоров ўза муҳбирига. «Матиз» йўловчилар учун қўлай ҳамда техник жиҳатдан пишиқ бўлгани учун комбинатимизга яхши даромад келтиряпти.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг кескин яхшиланиши туфайли ўтган уч ойда юз миллион сўм фойда олинди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни хориз сармоясини ишлаб чиқаришга дадил олиб киришни тақозо этади. Фарғона вилоятидаги «Бувайда» очик турдаги хиссадорлик жамияти ҳам шундай корхоналардан. Бундан тўрт йил муқаддам жамоа ишлари орқага кетганди. Ўтган йил тадбиркор Адхамжон Солиев корхонани хусусийлаштириб олиб, ислохотларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилди. Ишлаб чиқаришда янги технология жорий этилди. Қуни-кеча мазкур корхона ўз фаолиятини бошлади. Корхонанинг очилиш маросимида кўпчилик қатори енгил, мебел саноати ва коммунал-машиий хизмат ходимлари касоба уюшма Марказий қўмитаси вакиллари ҳам иштирок этди. Айти пайтда бу ерда 800 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

**Суратларда: корхонанинг очилиш маросимидан лавҳалар.**

**Гулном ХИДИРОВ олган суратлар**



(Ўза)

## Тадбиркорлик - давр талаби

### «СИТОРА»НИНГ ЧЕВАР ҚИЗЛАРИ

**Дехқонбободлик ишбилармон, ташкилотчи айб Роза Очилова савобли ишга қўл урди. Бундан икки йил илгари тумандаги бўшаб қолган бинони тубдан таъмирлаб, тикувчилик цехи ташкил этди.**

Дастлаб саккиз нафар қизни икки ой ўқув курси очиб, ўқитди. Уларга эркак ва аёллар кийимини тиқиш сирасорларини ўргатди. Шогирдларининг малакаси ошгандан сўнг уларни тиқиш машинаси билан таъминлади. Шундан сўнг цехда тикувчилик иши қизинг тус олди. Ёш чеварлар қўли билан яратилган турли хилдаги миллий кийимлар, кастюм, шимларга ҳаридорлар кўпайди. Шу боис у цех кенгайтирилиб, «Ситора» фирмаси ташкил этилди.

Тадбиркорнинг бу саъй-ҳаракатини туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар қўллаб-қувватлашди. Бу орада чеварлар сони 15 нафарга кўпайди. Даромад хисобидан қўшимча 6 та тиқиш машинаси сотиб олинди.

«Ситора» тайёрлаётган маҳсулотларга миқозлар талаб ва эҳтиёжи ортгани сайин унинг турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келин ва кўев либослари, кўрпа ғиллоқлари ва бошқа маҳсулотлар шулар жумласидандир. Ўтган йили жамоа «Тадбиркор банк»дан 500 миң сўм кредит олиб, цехларни янада кенгайтирди.

Эндиликда фирмага зардўзлик, жун рўмол тўқиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Хитойдаги кичик корхона билан ҳамкорлик асосида махсулот ишлаб чиқаришга шартномалар тузилди. Айти пайтда мавжуд цехларда 50 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилляпти.

Тадбиркор аёлнинг келажақ режалари янада улғу. У ишлаб чиқариш цехларини кенгайтириш хисобига ишчилар сонини 100 нафарга етказмоқчи.

**Х. ТўРАЕВ**

## Дўст ачитиб гапирди

# ИЖРО ИНТИЗОМИ НЕГА БЎШ?

## Пахтаобод туман тармоқ касоба уюшма Кенгашида ушбу саволга жавоб топилмади

Кичик ва ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касоба уюшма Пахтаобод туман Кенгаши Андижон вилоятидаги қатта қарвон ташкилотларидан биридир. Негаки, Кенгаш атрофида 125 та бошланғич ташкилот жамланган. Қарийб 1600 нафарга яқин касоба уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ушбу шўба томонидан ҳимояланади.

Тармоқда тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар, жамоа шартномаси ва битимлари бандларнинг бажарилиши билан таълим мақсадида Кенгаш раиси Ҳомиджон Шерматовга учрашиб мулоқотда бўлди. Сўхбат асосида касоба уюшма бўғинларида жамоа шартномасининг таъсир кучи, ундаги бандларнинг амалиёти, лўндасини айтганда, ижро интизоми аҳоли қандай, деган саволларга жавоб изланди.

Ишни режалаштирилган тадбирларнинг ҳаётга таъбиқ этилишидан бошладик. Қўлимизда ўтган йилнинг иш режаси. У рисоладагидек, раёсат мажлиси қарори билан тасдиқланган. Обод маҳалла йили муносабати билан тузилган дастур, шу асосда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини яхшилашга доир уюшмалар бизда муайян таассурот уйғотди. Ҳомийлар кўмагида кам таъминланган оилалардан 2 та хонадонда хатна тўйларни ўтказилиши, «Наврўз» байрами арафасида боқувчисини йўқотганлар, өтим-есирларга 100 миң сўмлик моддий ёрдам уюштирилиши, 20 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида Самарқанд, Хива шаҳарларида саёҳат ташкил этилиши яхши, албатта.

Кенгашнинг хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Ўтган йили Пахтаобод шаҳридаги «Юкори» маҳалла худудидан янгитдан касоба уюшма ташкилоти тузилди. Унга илгари тарқоқ ҳолда ишлаётган 12 та тадбиркорлик субъекти, жумладан 5 нафар оилавий хусусий дўкон эгалари бириктириб қўйилди. Натijaда тармоқда касоба уюшма аъзолари сони 61 кишига кўпайиб, аъзолик бадаллари тўлови ошди. Юқоридаги ўзгаришларни эътироф этган ҳолда Кенгаш иш-

ларида ижро интизоми бўшаши-бот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касоба уюшма Пахтаобод туман Кенгаши Андижон вилоятидаги қатта қарвон ташкилотларидан биридир. Негаки, Кенгаш атрофида 125 та бошланғич ташкилот жамланган. Қарийб 1600 нафарга яқин касоба уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ушбу шўба томонидан ҳимояланади.

Мазлумки, Пленум касоба уюшмаларининг энг мартабали йиғинларидан бири ҳисобланади. Бирок 2003 йил 29 июлда ўтказилган Пленумда кўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар, уларнинг ижросидан қониқши ҳосил қилмади. Обод маҳалла йилида меҳнатқашларнинг ҳуқуқий ва меҳнат шариоити бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисидаги масала кун тартибидан турарди. Қўрпачи, танланган мавзу тумтароқ ва аниқ мақсадга йўналтирилмаган. Шунданми, Х.Шерматовнинг ҳисобот маърузаси чуқур таҳлиллардан холи, бандларвоз гаплардан иборат бўлиб қолган. Ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, ходимларга хавфсиз иш шариоити яратиш, иш ҳақи тўловларидаги узлишлар ҳақида Кенгаш раиси матнда бирорта жўяли фикр учратмади.

Устига-устак қарордан ҳам кўнглимиз тўлмади. Чунки 4 банддан иборат қарорда кимгадир топшириқ бериш, «Обод маҳалла йили» дастурини тўлик ва талаб даражасида бажариш, бу бўйича қўшимча чоралар белгилаш каби куруқ, ҳавойи гаплар билан кифояланганлиги. Бундай ҳўжўқўрсин қарордан бирон бир натижа кўтиш, ижрога эришиш амри-маҳоллиги

ойдек равшан. Ижро интизомидаги сустқашлик, назоратнинг бўшлиғи 9 ойлик аъзолик бадаллар ва ижтимоий сўғурта тушумларининг бажарилишига бағишланган 4 ноябрдаги раёсат мажлисида ҳам кўзга ташланди. Қарздорлик барҳам беришга қаратилган учта банддан иборат қарор белгиланган, аммо назоратга олинмаган. Натijaда аъзолик бадалли тушуми режаси 88,23, ижтимоий сўғурта тушуми режаси 93,26 фойда қилиб кетган. Қарор ижросининг юқлатилиши, назорат ишларининг ким томонидан олиб борилиши, муҳокама қайси мuddатга белгиланши каби масалалар раёсат эътиборидан четда қолган. Хўш, ижро интизомидаги бундай масъулиятсизлик касоба уюшмаларининг жамоа орасидаги обрўсини туширмайдими?

Ижро интизомидаги лоқайдлик бугина эмас. Иш режаси то шу йилнинг 18 мартагича тузилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Дарвоқе, Х.Шерматов Меҳр ва мурувват йилига мўлжалланган дастурга эга эмаслигини тан олди. Унинг айтишича, кичик ва ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касоба уюшмалари вилоят вакилликдан бу ҳақда кўрсатма берилмаган эмиш. Ахир, қачонгача юқоридан кўрсатма кутамиз?

Ижро интизомидаги бузилишлар иш бериучи Пахтаобод туман савдо ва ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти раиси Мухаммаджон Ботиров фаолиятида ҳам содир бўляпти. Икки томонлама имзоланган жамоа шартномасида белгиланганидек, тармоқ Кенгашини алоқа воситалари билан таъминлаш, касоба уюшмалари самарали ишлаши учун зарур маиший шариоитлар яратилишини маъмурият ўз зиммасига олган. Аммо, иш бериучи ижрога амал қилмаганидан Х.Шерматовнинг хонадан-хонага кўчиб юрганлигининг гувоҳи бўлдиқ. Ҳалигача Кенгаш хонасига телефон туширилмаганини айтмай қўяқолайлик. Бундай ўзи-бўларчиликка иш ҳақи тўловларидаги кечиктириш ҳам дастак бўлмоқда. Узоққа бормайлик. Кенгаш раиси жорий йилнинг феврал ойдан бўён ойлик маошини ололмаётганлигини ёзғириб турганида, бошқаларга тўзим берисин.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири**

## 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

**Кўшқўпир туманида айти вақтда 92 нафар уруш қатнашчиси, 8 нафар байналмилалчи жангчи, талай тумна ногиронлар истиқомат қилади. Пенсия ҳамда нафақа олувчилар сони эса 9225 кишини ташкил этади. Туман ижтимоий таъминоти бўлимидагилар Меҳр ва мурувват йилида уларни ижтимоий ҳимоялаш кўчатириши муҳим вазифа сифатида белгилаб олишган.**

Ўтган йили туманимиз худудидида қариялар, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронларга турли имтиёзлардан фойдаланишлариға ёрдам бердик. Шу жумладан, 190 нафар киши марказий сийхатгоҳларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтишди, - дейди туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Ҳайитбой Хударганов. Меҳр ва мурувват йилида эса бу каби ишларни янада кўчатириш ниятдаимиз.

Ўтган йил давомида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йилдаги 145-сонли қарорига асосан ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида турувчи яқка-ёлғиз яшовчи пенсионер ва ногиронлар 9 хил турдаги озик-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари билан таъминланди. Бунинг учун 7 миллион 300 миң сўм сарфланди. Шу билан бирга 13 нафар ногиронга протез-ортопед мосламаси олиш учун йўлланма берилди. Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан уруш қатнаш-

ва маънавий ёрдам кўрсатилляпти. Шунингдек, 28 нафар 100 ёшдан ошган табарруқ отахон ва онахонларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга байрамларда совға-саломлар топширил-

## ОНАИЗОР БОЛАМ ДЕЙДИ

чилари ҳамда ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, 8 нафар ногиронга арвач совға қилинганда, уларнинг қўзида севинч ёшлари балқиди.

Ижтимоий таъминот бўлимида жорий йилда ҳам шу каби қўллаб тадбирлар ўтказилляпти. Хусусан, 31 нафар ота-онасиз болалар ҳолидан доимий равишда хабардор бўлиб турилмоқда. Моддий

моқда. Энг муҳими, бу йўналишдаги хайрли ишлар йил давомида изчил давом эттириляпти.

**Н. РАФИКОВ, «Ишонч» муҳбири**  
**Суратда: туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Ҳайитбой Хударганов ногирон болаларга махсус арвач топширмоқда.**



**Урганч шаҳрининг Ал Ҳоразмий номили кўчасидаги 56-уйда яшовчи Анатолий Зарасов ўзига тегишли бўлган товон пулларини ололмаётганлиги тўғрисида тахририятга хат йўллаган эди.**

Мақтубни ўрганиб чиқиб жараёнида шу нарса аён бўлдики, Анатолий 1972 йилда Урганч шаҳрида жойлашган «Ободончи» фирмасига экскаваторчи-машинаист сифатида ишга қабул қилинган. Қўтилмаганда у касб касаллигига чалинди. 1975 йилда операция бўлган, бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Зарасов 2-гурўх ногиронлигига қичқак товон пули ва пархез овқат пули тўлаб бориш юқоридидаги фирма зиммасига тушди. Лекин фирма бу ишдан бўйин товледи. Шундан сўнг Анатолий қонуний ҳақини ундириб беришлариғи сўраб фуқаролик судларига бир неча бор мурожаат қилди. Дастлабки суд 1998 йилда Урганч шаҳрида бўлиб ўтди. А.Зарасов фойдасига 54 миң сўм ундириб бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу суд қарорига бирикми маротаба амал қилган мазкур ташкилот кейинчалик товон пули тўлашни тўхтатиб қўйди. Зарасов яна судга мурожаат этишга мажбур бўлади. 2001 йилнинг феврал ойда Урганч туманлараро фуқаролик судида суду дья М.Саъдуллаева раислигида даъво аризаси кўриб чиқилди. Ушбу суд йиғилиши Зарасов фойдасига 143 миң сўм ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Бирок товон пулларини ойма-ой тўлаш яна тўхтаб қолверди. Учинчи бор Урганч туманлараро фуқаролик судида мурожаат қилган Зарасовга 2002 йил сентябр ойда 238 миң сўм ундириш ҳақида яна қарор қабул қилинди. Шуниси ажабланирлики, бу гал суд қарори эгасига тўлғалигича етиб бормасди. Ниҳоят даъвогарнинг иши бўйича тўртинчи суд йиғилиши ўтган йилнинг июн

## Масала кўндаланг қўйилади

ойда бўлиб ўтди. Лекин бу пайтга келиб «Ободончи» банкротга учраб йўқ бўлиб кетган эди. Шу боис Урганч туманлараро фуқаролик ишлари бўйича яна И.Раҳмонова раислигида бўлиб ўтган

суд томонидан йўқолиб кетган фирманинг меросхўри «Хоразмтаъмирқурилиш» хиссадорлик жамиятидан Зарасов фойдасига 200 миң сўм ундириб бериш тўғрисидаги қарор чиқарилди. Аммо ушбу суд қарори ҳам бажарилмади. Судларнинг чиқарган қарорлари бўйича менга 894 миң сўм тўланмасдан турибди. Мурожаат қилмаган идораларин қолмади, - дейди Зарасов кўйини. Масалалар ойдиллик қиритиш мақсадида Урганч шаҳар судида бўлганимизда, ижрочи Нурбек Отажонов бу ҳақда шундай фикр билдирди:

## ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАР ИСТИҚБОЛИ

**Республика Марказий банкида «Банкларда лизинг операциялари кўламини кенгайтириш истиқболлари ва уларнинг ҳисобини олиб бориш» мавзюда семинар ўтказилди. Унда Марказий банк ва тижорат банклари мутахассислари иштирок этди.**


Ўтган йилдан бўён Марказий банк ҳузурда АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) нинг «Ўзбекистон банк тизимини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳанинг мақсади тижорат банклари бухгалтерлариға бухгалтерия ҳисобининг жаҳон стандартларига жавоб берадиган усулларини амалда қўллаш, сўнгги ўзгаришларни ишлаб чиқаришнинг меъёрий ҳужжатларда акс эттиришга мукаммаллаштиришдан иборат.

Республикаимиздаги мавжуд тижорат банклари лизинг амалиётлари орқали етарли сармояға эга бўлмаган тадбиркорларни техника ва технологиялар билан ҳеч қандай ортиқча гаров ёки кафолатсиз таъминлаб, уларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйганлар. «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда лизинг олувчилар учун анча қўлайликлар яратилган. Хусусан, мамлакатимиз худудига олиб келинаётган замонавий техник асбоб-ускуналарни божхона тўлови ҳамда қўшилган қиймат солиғидан, лизинг шартномаси амал қиладиган мuddатдаги лизингга берилган мулкдан мулк солиғи тўлашдан озод этилган.

Тадбирда сўзга чиққан хорижий мутахассислар лойиҳа доирасида ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар айнан Марказий банк мутахассислари, тижорат банклар бухгалтерларининг халқаро андозалар бўйича билим ва малакаси етарли даражада эканлигини эътироф этишди. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоботиини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар ҳам таҳлил қилинаётганлиги ҳамда лизинг амалларини янада ривожлантириш борасида ҳамкорликда қилинаётган ишлар самарали бўлаётганлигини таъкидлашди.

«Хоразмтаъмирқурилиш» хиссадорлик жамияти ҳисоб-рақамидида маблағ бўлмагани боис уларга қарашли бўлган ГАЗ 5204 русумли машина ва битта экскаватор ким ошди савдога қўйилди. Ҳалигача ҳисдор топилмагани боис хиссадорлик жамияти билан келишиб, аукцион нарҳларини камайтирмоқчимиз. Шу ўринда Зарасовнинг касб касаллиги боис сарсонсаргардон бўлиб юришида ким айбдор, деган савол туғилиши табиий. Жавоб тариқсида айтгандай бўлсақ, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил февралдаги қарорига биноан қайта ташкил қилинган ва тугатилган ташкилотнинг меросхўри шу ташкилотнинг қарзларини тўлайди, деб қўрсатилган. Шундай экан, «Хоразмтаъмирқурилиш» хиссадорлик жамияти мутасаддилари ёрдамга муҳтож инсон тақдирига бефарқ бўлмастан унинг даъволарини қаноатлантиришса, адолатли иш бўлар эди.

**Э.ЭРАТОВ, «Ишонч» муҳбири**



**Мухаммад Юсуф! Чакмоқдай чакнаган, юлдуз каби нур сочган, ойдай ойдин шеъринг бўстонида дадил қилиб келган хассос, эл севган шоир! Унинг шеърини жамулжам бўлса, кўп жилдларни ташкил қилмас, бироқ ҳар бир мисраси ўзбек халқининг қалбига, шуурига қириб борган қўшиққа, эйтишувга айланди.**

Унинг ўзи, сўзи қудратли эди. У ҳар бир сўзинигина эмас, ҳатто бўғинларгача эътибор берувчи бағрдан эди! Ҳа, унинг қалбию бағрдан отилиб чиққан сўзлар, мисралар булбули гўё эди. Атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг таъриби бунга гувоҳлик бериб турибди: «Чинакам шоирнинг қалбида аллақандай соҳир куш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитгандим. Уша куш айнан Мухаммаднинг юрагидан ошён курганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳаминша лафиф бир куйни хониш қилгандай эди».

... Мен Мухаммад Юсуфни талабалик йилларидан биланман. Бироз бўлса-да сабоқ берганман. Уша қорачадан келган, ўзбекона боқишларида самимий табассум, сўзларида фикри тегнаклик, муомалада қишлоқона тўпорилик. У жаҳон тиллари унiversitetининг (илгари рус тили ва адабиёти институти эди) рус тили ва адабиёти бўлимини ботириди. Қўлидан Пушкин, Лермонтов, Есенин, Евтушенко, Рождественский ва айна пайтда Алишер Навоий, Фафур Фулом, Хамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Али асарларини қўямас, қаерда юрса-да, шу адблар йўлдош эди унга. Уша йиллари пахта темирини хашариға чиқувчи эдик. Барақда кечки пайт бўлдимиз, Мухаммаддон ҳали қизлар даврасида қизгин суҳбат қуради, ҳали шеърларни ўрнига қўйиб ўқир, айниқса, байтлар қофиясига ургу берарди!

Унинг бирор марта ўқиниб, қандайдир руҳи тушқунликка тушганини кўрмаган эдим. Бир кун барангнинг домчалар хонасига кириб, қўлида Усмон Носир девони, гапир кетди:

— Чакмоқ! Чакмоқнинг ўзи. Ўзбекининг асл шоири. Миллатимизни шунчалар улуғлаганики, унинг эрки, озодлиги курашчиси бўлган экан...

У жимиб қолди!  
— Фирқимизини давом эттиринг, Мухаммаддон, — гап ташладим.  
— Нега ўзлимизни чеклаб яшаймиш!...

Талаба-талабада! Бошқа сўзламади. Биздан ружсат сўраб чиқиб кетди.

У синик эди, у тобора тиник, жўшқин бўла борди. У бир олов бўлиб, уни халқчил шеърингга со-

қилади. Яна ушбу сатрларга қулоқ тутинг:

**Ким Қашқарни қилди макон,  
Ким Энасой томонда,  
Жалолиддин — Курдистонда,  
Бобуринг — Ҳиндистонда,  
Бу қандай ўз каролик деб,  
Етарлар зимистонда,  
Тарқаб кетган тўқсон олти  
уруғимсан, Ватаним...**

У энди орамизда йўқ. Бирок ўтли, оловқалб шоирнинг ижод боғи қолди. У ҳар кун, ҳар соатда гуллайверадиган чаман. Ундан баҳра олиш нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон адабиёти ҳам баҳраманд бўладиган палла келди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қандай қабул қилган қароридан ҳам, шоирнинг бир жилдлик асарлари сайланмасини нашр этиш на-зарда тутилган экан, албатта қардош тилларда ҳам чоп қилинса айни му-ддоо бўлар эди. Унинг серқилмоқ ижоди, халқчил мисралари теран ва ўзининг муносиб ўрнига эга, албатта.

... Аллома шоир Фафур Фуломнинг хотира кунда (2001 йил, 10 май) Мухаммад Юсуф «Ўзбекистон» шеъриндан парча ўқиди:

**... Дунё ичра  
Тенгис дунё  
Зарчопон қалб,  
Ялангўшим.  
Қўли очик,  
Меҳри дарё,  
Мушти қаттиқ,  
Кўнгли бўшим.  
Ўлгига ол бўлиб чўкиб,  
Қизларига алла айтган,  
Белбоғига борин тугиб,  
Тўйга бориб тўймай қайтган.  
О, болафелъ  
О, болафелъ —  
Ўзбекистон, Ўзбекистон.**

Шунда ҳаммаимиз: Рамаз Бобо-жон, Хамид Фулом, Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Уткир Хошимов, Иброҳим Фафуров, Олмос опа ва Мирзақодир ака — Ф.Фулом фарзандлари беихтиёр қалқиб кетганмиз ва тан олиш керакки, оддийлик ва камтарлик, ўзбекона жозиба, шарқона урф, миллий гурур уфуриб турарди бу мисраларда!

**Карим НОРМАТОВ,  
профессор**

**НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА**

Урғут республикамиздаги аҳоли энг кўп яшайдиган туманлардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда бу ерда ободонлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини тўлдирган, фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёлини яхшилаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, эл санолатини йўлида қилинган ишлар юштини қувонтиради. Чунинки, туман марказий шифонаси тасарруфидоғи қишлоқ врачлик пункти моддий негизи мустаҳкамланмоқда. Маълумотларга қўра, бугунги кунда туман ҳудудида 34 та ҚВП фаолият кўрсатмоқда. Утган йил давомиди 10 та ҚВП биноси янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилди. 3 та врачлик амбулаторий биноси эса тўлиқ реконструкция қилиниб, ҚВПга айлантилди. Бунинг учун 478,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Шундан 226,5 миллион сўми хомийлар томонидан ажратилди. Жумладан, Камангарон, Кенгас, Мангит-обод, Бешкага, Бешқиллоқ ва Жайратепа ҚВПлари ширкат ҳўжаларига ва хромийлар ёрдамда қурилиб ишга туширилди. Эътиборли томони шундаки, Жайратепа қишлоқ врачлик пункти қурилишида Иброҳим Усмонов, Раҳмон Мустафоев ва Сайбулла Баҳриев каби савоатли инсонлар бош-қош бўлишди. Шунингдек, Тегирмонбози, Уртақиллоқ, Янғирқиз қишлоқ врачлик амбулаториялари ширкат ҳўжаларига ва хромийлар томонидан қайта таямланган, ҚВПга айлантилган ҳам мақтовга лойиқ. Мазкур тиббиёт масканларида замонавий тиббий асбоб-ускуналари ўрнатилган бўлиб, тажрибали ва малакали шифокорлар ишга жалб қилинган.

Туман халқ таълими тизимида ҳам ишқорлар муваффақият билан амалиётга жўриб этилаётди.

— Жорий ўқув йилида «Истеъдод» иқтисослашган мактаби ва 10 та «ўқур-лаштирилган» фан синфлари очилди. Ҳозирги кунда эса 23 та таълим мактаби қишлоқ биттадан иқтисослаштирилган синф очиб борадиган амалий ишлар бошлаб юборилган, — дейди туман халқ таълими мудирининг ўринбосари М.Файзуев.

Туманда болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам намуна-ли йўлга қўйилган. Ҳар шанба кун оммавий спорт мусобақалари ўтказилади. «Умид» нхчилари» мусобақалари ўқувчи-ёшларни оммавий спортга жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу бордаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида яқинда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилди. Туманда маъ-жуд таълим муассасаларини моддий ва спорт базасини кучайтириш мақсадида мактабларга хромийлар бириктирилиб, жорий йилда қилинган лозим бўлган ишлар ҳўжми ва мuddати белгилаб олинган.

**Алишер РАҲМОНОВ,  
«Ишонч» мухбири**

**Умид юлдузлари**

Вилоят қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли футбол мактабимиз ташкил этилганига 14 йилдан орт-қ вақт бўлди. Шу ўтган давр мобайнида мамлакат олий ва биринчи лигаларида қатнашаётган қатор етакчи жамоаларга ўнлаб иқтидорли футболчилар ет-казиб берилди. Биргина «Насаф» жамосининг асо-сий ва ўринбосарлари тар-кибда ҳозирги пайтда Дилмурод Тошматов, Дмит-рий Смирнов, Камолитдин Кенжаев, Элёр Рустамов, Жасур Урунов, Нодир Хали-мов, Элдор Мейлиев каби шогирдларимиз тўп суриш-моқда.

**ИҚТИДОРЛИ ШОГИРДЛАР**

Футбол мактабимизда 16 нафар ўз ишининг устаси бўлган мураббий фидойиллик билан иш олиб борапти. Ёш футболчиларимиз 44 та гу-руҳга ажратилган. Мазкур гу-руҳларнинг 25 таси бошлан-ғич гуруҳ ҳисобланиб, улар-да 300 нафардан орт-қ бола футболнинг илк сабақлари-ни олишади. 19 та умумий тайёрларлик гуруҳига эса 230 нафарга яқин иқтидор-ли ўсмирлар жалб этилган.

Тарбияланувчиларимиз маҳоратини сайқал топ-тириш, уларни ҳақиқий проф-фессинал футболчилар этиб тарбиялашда ўқув ма-шгулотларини юқори савия-да ташкил этиш билан бир-га узлуқсиз равишда турли мусобақаларда қатнашувини таъминлаш ҳам хал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун футбол мактаби очиб бирин-чилиги доимий тарзда ўтқа-зиб келинмоқда. Бу мусоба-қалар ўқувчиларнинг киши-каш таътил кунлари ҳамда Наврўз умумхалқ байрами арафасида ташкил этилаёт-ганлиги аса оммавийлигини таъминлаётти. Мисол учун, 15-20 март кунлари «Насаф» йилнинг охирида футбол бирин-чилигини катта кўтаринкилик билан ўтказишга эришдик.

Қўлга киритаётган ют-қларимиз ҳам чакки эмас. Шогирдларимиз вилоят ва республика беллашуварларида муваффақиятли қатнашиб, мутахассислар эътиборига тушмоқда. Мисол тариқаси-да, ўтган йили тажрибали мураббий Ибод Қудратов шогирдларининг 1990 йил-да тутилган ўқувчилар ўрта-сидида республика биринчи-лигидан совриндор бўлиб қайтишганини айтишим мум-кин. Навоий шаҳрида бўлиб ўтган ушбу мусобақада 13 та вилоят жамоалари қатна-шганлиги инобатга олинса, ал-батта бу жуда яхши натижа ҳисобланади. Шунингдек, яна бир нуфузли мусобақа-да тарбияланувчиларимиз кўнглидагидек иштирок этишди. 1991-1992 йилда ту-тилган ўқувчиларимиз «Фут-болнинг гунаҳлари» републи-ка турнирида 14 та жамоа ичида бешинчи ўринга му-носиб кўрилди.

Футбол мактабимиз ва маҳаллалар ўртасида му-стаҳкам ҳамкорлик риштала-ри ўрнатилган. Чунинки, Қар-ши шаҳридаги «Рогузор», «Харамжўй», «Пахтазор», «Мағзон» маҳаллаларида Хасан Зиёдов, Мурод Мада-минов, Собир Хайдаров син-гари мураббийларимиз қиз-гин иш олиб боришяпти.

Уйлайманки, амалга оши-раётган барча сая-ҳаракат-ларимиз беиз кетмайди, балки бугун мамлакатимиз бўйлаб ёйилган эзгу ҳаракат — болалар спортини ривож-лантиришга камтарин улуш бўлиб қўшилади.

**Қўзвий САҒДИЕВ,  
Қашқадарё вилоят қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг футбол мактаби директори**

**ҲУНАР БИЛАН КОМИЛДИР ИНСОН**



**Маданияти, маънавияти ва маърифати баркамол халқнинг қолажиги ҳам буюқдир. Зеро, мамлакатимиз истикболи олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таълим олаётган кадрларнинг сифатли, интеллектуал қобилияти, билими, ҳалол ва имон-эътиқодли қилиб тарбияланишига боғлиқ.**

Хоразмнинг олис қиш-лоқларидан бири ҳисоблан-ган Ғазовотда замонавий мейморчилик андозалари асосида муҳташам иморат қад кўтарган. Анвойи гул-лар, серманзара дарахтлар билан ўралган бу муассаса маиший хизмат ҳодим-лари тайёрлайдиган касб-ҳўналар коллежи. Атрофи ши-на ва озода. Машгулот хоналари, дераза ва эшик-лар чинидек ярақлайди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қадрлар тайёр-лаш Миллий дастури та-лабларидан келиб чиқиб бундан тўрт йил муқаддам вилоятнинг Қўшқўпир тум-анида 900 ўринли ўқув би-носи, 100 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт заллари-га эга Ғазовот маиший хиз-мат касб-ҳўналар коллежи фойдаланишга топширил-ган эди.

Шаҳардаги ўқув даргоҳ-ларидан қолишмайдиган, улар билан бемалол рақо-батлаша оладиган билим маскани илк бор 217 на-фар талабани ўз бағрига олди. Дастлабки йил 7 та соҳа бўйича машгулотлар олиб борилган бўлса, бу-гунги кунга келиб йўналиш-лар сони 14 тага етди. Айни пайтда 827 нафар та-

ниш қорхонаси, савдо ҳис-садорлик жамияти шохобча-ларида ўтказилади. Бултўр «пойфазал устаси» гуруҳи битирувчиларидан 11 нафа-ри коллеж устaxonасида до-имий иш билан таъминлан-ди.

— Ишлаб чиқариш устaxonаси 600 ўқувчиға мўлжал-ланган бўлиб, унда Г.Отажо-нова, О.Искандаров, М.Раҳ-монов, Г.Қўчимова, Б.Ҳўжа-ев, Ф.Матмуродов каби му-ҳандис-педагоглар иш олиб боришади. Амалий машгулот хоналарига Германиянинг «PFAFF-ZINGER» фирмаси пойфазал тикиш дастгоҳла-ри, Япониянинг «BROTHER» XL-5130 тикув машиналари ўрнатилган.

Ишлаб чиқариш билан алоқа мустаҳкамланган. Ра-дио-телеаппаратураларни таъмирлаш гуруҳи талабалари Урганч шаҳар «Камалак» масъулияти чекланган қорхона-си, бўлажақ тикувчилар тумандаги «Баҳром» ҳусусий фирмаси, газ ва электр му-тахассислари «Қўшқўпиргаз-таъминот» ва электр таъми-ноти бошқармалари ёқилги-моилаш материаллари опе-раторлари «Автозимат» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятларида назарий билимларини амалда мустаҳкам-лайдилар.

Утган ўқув йилида билим юртини 214 нафар ўқувчи ту-галлаб, ҳаётга йўлланма қилди. Туман газ таъминоти идораси техник Санжарбек Рўзимов, касб-ҳўналар колле-жи АХМ оператори Юнусбек Исмоилов, таъмирлаш устaxonаси ишчиси Мансур Ка-римов, 34-мактабининг тўғра-рак раҳбари Маъмура Кур-бонова қабилар пухта билим олганликларини иш жараё-нида исботлашяпти.

Умумтаълим фанлари бўйича ўндан орт-қ ва спортнинг 6 тури бўйича фа-олият кўрсатаётган тўғрақар-ларда 700 дан орт-қ йигит-қиз шугулланмоқда. Орт-қ Матёқубовнинг компьютер сабоқлари, Қаромат Раззо-қованинг «Ёш адабиётшунос-лар», Шарифбой Исмоилов-нинг «Улкашунослик», Су-райё Исмоилованинг «Моҳир қўллар», Зафар Рўзимов, Элёр Юсупов, Руслан Холи-ев, Озод Оллоёров, Кур-бонназар Ибрагимов раҳ-барлик қилаётган футбол, волейбол, миллий кураш, енгил атлетика, шохмат-шашка сингари спорт тўғра-қлари машгулотлари до-имо қизқарили ўтади.

**«Ишонч» оталиғидаги коллежда**



Томонидан ўтказилган «Энг яхши китобхона» кўрик-тан-ловининг ғолиби деб то-пилди.

Тарих фани бўйича ҳўқуқшунослик гуруҳи тала-баси вилоят олимпиадасида қатнашиб фахрли иккинчи ўринни эгаллади ва қиммат-баҳо совға билан тақдирлан-ди.

Нурхонада «Она тилим — жону дилим», «Конституциямиз — бахтимиз қомуси», «Меҳр-шафқат — олий фазилат», «Ўзбекистон — табаруқ за-мин», «Гийҳанглик — умр за-воли», «Тенгдош, ўз тенгдо-шинга жавоб бер» мавзуси-даги суҳбатлар, мулоқотлар уюштириляпти.

Жамоа «Меҳр ва муруват йили» да ўз тадбирларини белгилаган. Кам таъминлан-ган, кўп болали оилаларни, ногиронлар ва етим-есирлар моддий ва маънавий жиҳат-дан қўллаб-қувватланмоқда. Ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларига 200 минг сўмлик оёқ кийими тарқа-тилди.

Халқ таълими соҳасида кўп йиллар хизмат қилган Барди ота Ҳасанов ва мар-ҳум домла Матёқубовбо Бойжонов хонадонига бо-риб, газ плиталари ва электр асбоблари таъмир-

лаб берилди. Қишлоқ қарияларидан ўн нафари-га совғалар топширилди. Бундай хайрли ишлар да-вом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, касб-ҳўналар коллежида таълим-тарбия жараёни такомиллашиб борапти. Илм-ҳўналар даргоҳида умуминсоний ва миллий маданиятга эга бўлган ва-танпарвар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёшлар камол топмоқда.

**Иззат ҲИҚМАТОВ,  
«Ишонч» мухбири**

**ҚУШЛАРНИ ЛОЛ ЭТИБ**

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидоғи маданият ва истироҳат боғида ўқувчилар ўртасида Наврўз байрамига бағишланган «Варрақлар байрами» ре-спублика кўрик-танлови а-жунланди. Унда Қоракал-поғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 70 нафар ўқувчи лойлак, вар-рак, ҳажмли ва экспери-ментал варрак турлари бўйича иштирок этди.

— Мен варрақлар мусо-бақасида экспериментал тур бўйича ўзим ясаган авиомодель билан бирин-чи ўринни эгалладим, — дейди Олмалик шахрида-ги 4-мактабнинг саккизин-чи синф ўқувчиси Бобур Ҳамидов УАА мухбирига.

Мусобақада лойлак ва варрак турлари бўйича шаксий биринчилики Са-марқанд шахридаги 28-мактабнинг саккизинчи синф ўқувчилари Артур Малов ва Евгений Усманов эгаллади. Ҳажмли тур баҳсларида эса биринчи ўрин Сурхондарё вилоти-нинг Бойсун туманидаги 2-мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Нурали Маматов-га насиб этди.

**ISHONCH**

**Муассис:** Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир:** Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Тахрир хайъати:** Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**Телефонлар:** Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

**Маълумот:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қурсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Соғувада эркин нарҳда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 20242 Буюртма Г— 417 1 2 3 4 5